
“Ташаббусли бюджет” натижасида 29-умумтаълим мактаби биноси замонавий қиёфа касб этмоқда

Учкўприк туманида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида ҳудудларда яшовчи аҳолининг йиллар давомида йиғилиб қолган энг долзарб масалалари ҳал этилмоқда.

Мазкур лойиҳада ўз ташаббуслари билан фаол қатнашган маҳаллалардаги йўл, ичимлик суви, электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда.

Айни кунларда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024 йил 2-мавсуми доирасида таклифлари ғолиб деб топилган З та умумтаълим мактабида ҳам таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда.

“Учкўприк” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 29-умумтаълим мактаби биносини таъмирлаш бўйича билдирилган ташабbus 4 минг 172 та овоз тўплади. Мазкур ташабbusни амалга ошириш учун 1 миллиард 360 миллион сўм маблағ ажратилди.

Лойиҳа доирасида таълим муассасасининг эскирган эшик ва деразалари янгиларига алмаштирилиб, ўқув биноларини жорий таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

2025-01-28 10:48:46